



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 188 (11.749)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кўргазмалар

СОҲА ЮТУҚЛАРИ ВА ИМКОНИАТЛАР НАМОЙИШИ

Мамлакатимизда ҳар доимгидек бунёдкорлик кўлами кенг қулоқ ёйган. Жаҳон андозлари даражасидаги мухташам бино ва иншоотлар қад ростламоқда. Шаҳар қишлоқларимиз қиёфаси кун сайин гўзаллашиб бораётган бугунги кунда, дарҳақиқат, қурилиш ашёларига, қурувчиларимизга мададкор бўладиган техникаларга талаб катта бўлиб бормоқда.

Кеча «Ўзэксспомарказ»да иш бошлаган «Қурилиш. Қурилиш техникаси. Қурилиш материаллари» VII-халқаро кўргазмасида кўп қабатли корхона ва ташкилотлар, шу жумладан хорижий компания ва фирмаларнинг маҳсулотлари ва хизматлари намоёниш этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, анъанавий ўтказиладиган мазкур тадбирни ҳар йили қурувчилар катта қизиқиш билан кутади. Чунки кўргазмада қурилиш тарраққиёти тенденцияларини бир йил аввал билиш, ишлаб чиқарувчиларнинг изла-

ниш ва ютуқларидан, янги лойиҳалардан бохабар бўлиш, энг муҳими – фойдали шартномаларни имзолаб, бунёдкорлик борасидаги ислохотлар жаддалашуви-га муносиб ҳисса қўшиш имконияти мавжуд.

Кўргазма экспозицияси-дан йўл-қурилиш техникаси, қурилиш материаллари ва хизматлари, ойна, эшик, витражлар, интерьер, безаш, дизайн, иситиш, вентиляция ва иқлимни муътадиллаштириш тизимлари, изоляция, сантехника, керамика, тошлар, ускуна ва асбоблар, дурадгорлик маҳсулотлари ва

ёғочга ишлов бериш, электротехник маҳсулотлар, қурилиш махсус техникаси, ёнғин хавфсизлиги ва кимёвий ҳимоя тизимлари бўлимлари ўрин олган. Илк мартаба мамлакатимизда мебель санъатининг жадал ривожланаётгани муносабати билан кўргазма доирасида «Мебель ва фурнитура» сектори ташкил этилди. Очиқ майдончада эса, анъанага кўра, махсус йўл қурилиш техникаси, механизм ва ускуналарнинг намуналари кўйилганки, бу кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг жорий йил 20 сентябрь кунги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари саммитидаги сўзлаган нутқи давлатимизнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга молик ҳодиса бўлди. Унда жамиятни барқарор ривожлантириш, ҳозирги ва келажак авлоднинг юксак турмуш даражаси ҳамда сифатини таъминлаш масалалари катта интеллектуал қувват билан, нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё минтақасида ва бутун дунёда содир бўлаётган мураккаб, кўп қиррали жараёнларни ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида илгари сурилди.

ЁШ АВЛОДНИНГ БАРКАМОЛ РИВОЖЛАНИШИ ЖАМИЯТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Шу йил 27 сентябрь кунги Тошкент давлат иқтисодий университетининг Президентининг БМТнинг Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси билан биргаликда ташкил этилган «БМТнинг Инсон тараққиёти концепцияси ва ёш авлоднинг баркамол ривожланишини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг роли» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари саммитидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни таъминлаш, шу билан бирга «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Депутатлик корпуси, барча даражадаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг энг муҳим вазифаси давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олий минбарида сўзлаган нутқи қоидалари ва ҳулосаларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка, авваламбор, ёшларга етказишдан иборат эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Семинар-тренинг иштирокчиларининг чиқишларида Ўзбекистон Президентининг БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари саммитидаги нутқи мустақил Ўзбекистон тарихини англаш, ўтган йилларнинг мураккаб босқичларига назар ташлаб, Ватанимизда амалга оширилган улкан ишлар, эришилган натижаларни ҳолисона баҳолаш учун гоёт муҳим эканлиги қайд этилди. Шу билан бирга нутқда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришларнинг янги марраларини эгаллаш вазифалари ифодаб берилди. Иқтисодий, сиёсий ва давлат-ҳуқуқий соҳалардаги барча ислохотлар пировардида кишилар фаровонлигини оширишга, ёш авлоднинг баркамол ривожланиши учун кенг имкониятлар яратишга қаратилганлиги алоҳида таъкидланди. Бу жараёнда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари муҳим ўрин тутди.

Семинар-тренинг ишида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси аъзолари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар мутахассислари, БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходимлари, шунингдек, олий ўқув юртлири ўқитувчилари ва талабалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

(ЎЗА)

ТИББИЙ СОҲАДАГИ АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Мамлакатимизда ташриф буюрган америкалик таниқли кардиожарроҳ Жеральд Доррос Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икромов билан учрашди.

лари ва оилавий шифохоналар тизими изчил ривожланмоқда.

Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ташкил этилиши аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат кўламини янада кенгайтириш, диагностика ва даволаш борасидаги илғор технологияларни

ўзлаштириш имконини бераётди.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида тиббиёт соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини фаоллашти-

риш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

– Ўзбекистон тиббиёт тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар юксак самаралар бераётганининг гувоҳи бўлдим, – деди ЎЗА мухбирига Жеральд Доррос. – Айниқса, юртингизда она ва бола ўлими кўрсаткичини камайитириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар таҳсинга сазовор. Бундай эътибор бошқа мамлакатларда кам учрайди.

Ж.Доррос ўзбекистонлик мутахассислар билан ҳамкорликда В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида оғир юрак хасталигига чалинган беморларни операция қилиш жараёнида иштирок этади.

Ирода УМАРОВА

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентдаги «Ўзэксспомарказ»да 7-8 октябрь кунлари «Буюк Ипак йўли туризми» 16-Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтади. 1995 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур ярмарка сайёҳлик соҳасида Марказий Осиёдаги йирик халқаро анжуман ҳисобланади. Мамлакатимиз ва хорижий сайёҳлик бизнесининг кенг доирадаги вакиллари тўплайдиган ва ушбу соҳадаги энг асосий тадбирлардан бири бўлган мазкур халқаро ярмарка Ўзбекистоннинг бу борадаги нуфузини янада оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

• Тошкентда Ўзбекистонда автомобиль эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш бўйича икки кунлик бизнес-форум бошланди. Унда 50 та компаниядан 200 нафардан зиёд мутахассис иштирок этмоқда. Уларнинг қарийб 70 нафари Американин «General Motors» корпорацияси томонидан етказиб берувчи мақомига эга бўлган Жанубий Кореянинг 28 компанияси вакиллари.

• Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида «Ишни ҳакамлик судида кўриб чиқишни ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусида ҳакамлик суди судьялари мактаби очилди.

• Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган қўшма дастур доирасида санъаткорлар, маданият ходимларидан иборат гуруҳлар далаларда, фермерлар шийпонларида концертлар, учрашув ва суҳбатлар ўтказаяптир. Наманганда бўлиб ўтган ана шундай тадбирлар ҳам теримчиларга ғайрат-шижоат ва хуш кайфият бахш этмоқда.

• Пойтахтдан ташриф буюрган таниқли санъаткорлардан иборат гуруҳ Поп туманидаги «Синфдошлар» фермер хўжалиги, «Найман» МТП, Мингбулоқ туманидаги «Элита», «Гигант чегара» фермер хўжалиқларида бўлиб, қизикарли концерт дастурларини намойиш этди.

• Зангиота туманида лойиҳа қиймати 649 миллион сўм бўлган 13-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси ўқувчиларга туҳфа этилди. Мазкур билим юртида бугунги кунда 205 ўқувчи мусиқа ва тасвирий санъат сирларини ўрганмоқда. Уларга 43 нафар тажрибали устоз ва педагог таълим-тарбия бераётди.

ЖАҲОНДА

• АҚШ президенти Барак Обама кичик бизнесни 30 миллиард долларлик кредит билан таъминлашни кўзда тутувчи қонунни имзолади.

• Ким Чен Ир КХДР меҳнат партиясининг бош котиби вазифасига қайта сайланди.

• Арсен Канонов Кабардин-Болқория президенти вазифасини бажаришга киришди.

• Халқаро валюта жамғармаси 25 та мамлакатнинг молиявий барқарорлигини текшириб чиқишини маълум қилди.

• Молдавия президенти вазифасини бажарувчи мамлакат парламентини тарқатиб юбориш ва 2010 йил 28 ноябрда мuddатидан олдин сайловлар ўтказиш тўғрисидаги фармонни имзолади.

• АҚШ ва Исроил ракетага қарши тактик мудофаа тизимини биргаликда ишлаб чиқиш тўғрисида битим имзолади.

• Кеча Бельгияда авиадиспетчерларнинг иш ташлашлари муносабати билан мамлакатдаги бутун ҳаво йўналишлари тўхтаб қолди.

• Кеча Мексиканинган жанубида ер қўшиши натижасида 300 дан ортиқ уйлар бутунлай вайрон бўлди.

• Германиянинг Фрайбург шаҳрида антиқа турар жой бинолари қурила бошланди. «Кунгабоқар» номини олган бу уйлар томига куёш батареялари ўрнатилган бўлиб, улар доим офтоб томонга қарайди ва ундан қувват олиб, энергия тўплайди. Янги иморатлардаги фотоэлектрик панеллар кунига 6,6 киловатт-соат ҳажмида электр энергияси йиға олади. Бу эса бир уйда кун давомида сарфланадиган энергиядан беш баробар кўпдир.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбек Миллий академик драма театрида ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбирга Чилонзор туманидаги халқ таълими муассасалари ўқитувчилари ва фахрий педагоглар таклиф этилди.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан мутахассислар иштирокида ич терлама ва ўткир респиратор касалликлар тарқалишининг олдини олиш чораларига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

✓ **144-МАКТАБ** қошида ташкил этилган «Ёш педагоглар маскани» тингловчиларининг навбатдаги ўқув машғулотини бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** архитектура-қурилиш институтининг эколог-олимлар ташаббуси билан «Экологик муаммоларнинг ечимини топишда ёшларнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Пойтахтимизда икки кун давом этган бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкилотчилари томонидан айнан шундай мақсад кўзланган. Унга эришилдики ёки йўқ — бу ҳақда сўз юритишга ҳозирча биров эрта. Дастлабки натижалар эса, ўйлаймизки, ташкилотчилар ва ишга йўлланма олганларни қаноатлантирди. Иш берувчиларни эса...

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва пойтахт прокуратураси ташаббуси билан бир қатор манфаатдор тузилмалар, шунингдек жамоат ташкилотларини кенг жалб этган ҳолда уч йил давомида мунтазам ташкил этиб келинаётган меҳнат ярмаркалари амалда ўз самарасини бермоқда, дейиш мумкин.

— Аҳоли ва биринчи навбатда ёшларимизнинг бандлигини таъминлаш фақат бир доирадаги хизматларнинг вазифаси эмас. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан режага асосан бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилган. Аммо, сир эмаски, бундай тадбирларда ҳар доим ҳам самарага эришилмаган. Гап, албатта, ташкилотчилар ҳақида эмас, — дейди шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи Олим Раимов. — Бугунги замон талаби шуки, бундай муаммоли масалага мажмуавий ёндашув даркор. Бинобарин, трансмиллий тус олган одам савдоси жиноятчилиги долзарб бўлиб бормоқда. Афсуски, бу иллат ўз домига бизнинг фуқароларимизни ҳам, табиийки, яхши яшаш орузи баланд бўлган, аммо осон пул топиш деганда, кулликка тушиш, қарам бўлишликни англамайдиган ёшларимизни ҳам тортмоқда. Демак, бу борада барчамиз фарзандларимиз, эртанги кунимиз истиқбол учун ҳамжихатликда иш олиб боришимиз зарур. Ўғил-қизларимизнинг бандлигини таъминлаш, пухта билим олиши, бирон-бир касбни эгаллаши, ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиши, жамиятда муносиб ўрин топа олишида кўмаклашиш — бу, дарҳақиқат, фақат оила, мактаб ва маҳалла эмас, кўпчилигининг зиммасидаги вазифа. Бугунги кунда бевосита Президентимиз томонидан ўсиб келаётган авлодга чексиз ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Ёшларимизнинг қомил инсон бўлиб вояга етишига қаратилган мақсадли давлат дастурлари ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Замонавий мактаблар, коллеж-лицейлар, олий ўқув юрлари, спорт мажмуалари, мусика ва санъат масканлари, ижодиёт саройлари — фарзандларимизнинг баркамол шахс бўлиб шаклланиши, иқтидорини намойиш этиб, ривожлантириши учун бундай имкониятлар, омиллар кўп. Бўш иш ўринлари ярмаркаларини эса ўғил-қизларимиз манфаатини таъминлаш йўлида ҳамкорликда қилаётган саяё-ҳаракатларимиздан бир лавҳа деса бўлади. Бундай тадбирларнинг ўқув йили давомида, ёғи таътил пайтида, шунингдек олий ўқув юрларидаги кириш имтиҳонлари яқинлари эълон қилинганидан кейин ўтказиб келиниши бежиз эмас. Ҳар босқичнинг ўз мақсади ва шунга яраша натижалари ҳам бўлмоқда.

Мутасадди идора вакили яна бир масала устида мушоҳада юритдики, бу биринчи галда асосан ота-оналарни ташвишга солаётган масаладир. Хусусан, олий ва ўрта махсус ўқув юрларини тамомлаган ўғил-қизларимизнинг ҳаммаси ҳам ортгирив билиминини ва касб кўникмаларини, бор салоҳиятини амалда синаб кўриш учун бирдек имкониятга эга эмаслиги ортқича изоҳ талаб қилмайди, назаримизда. Масалан, иш ботида мустақил ҳаётга илк қадамни қўяётган битирувчи тадбиркорлик фаолиятини яқка ўзи юрита олмайди ёки хунармандчилик билан шуғулланиш имкониятига эга эмас. Бунинг учун ўзига яраша замин бўлмоғи лозим. «Коллеж-битирувчи-иш берувчи» — уч томонлама шартнома ҳам амалда тўлиқ ифодасини топтоқда, дея олмаймиз.

Ярмарка олдидан мутасадди идоралар вакиллари иштирокида шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда куйидаги рақамларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, пойтахтдаги 118 та касб-хунар коллежи ва академик лицейларини бу йили 33677 нафар ўқувчи тугатган. 24168 нафарининг бандлиги таъминланган, шулардан 4470 таси — олий ўқув юрларига кирган, қолганлари ишга жойлашган. Аммо маълум бир мутахассисликни эгаллаган 9509 (!) нафар ёшларимиз ишсиз бўлиб қолмоқда. Бундан ташқ

бўйича мутахассислар, ҳисобчи, қандолатчи, тикувчи — ўттизта йўналишдаги касбга ўргатилади. Битирувчиларимиз юз фоиз ишга жойлаштирилади. Жорий йилда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда беш минг нафар ёшларимизнинг турли касбларга ўқитилиши кўзда тутилган. Шу кунгача тўрт мингга яқин ўғил-қизларимиз касб ўрганиб, шаҳримиздаги

нинг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қўшимча қўриқларида кўзда тутилган вазифаларга мувофиқ таклиф этилди, — дейди шаҳар давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Баҳром Шамсуддинов. — Мазкур ҳужжат мамлакатимиз раҳбари раҳнамолигида ўсиб келаётган авлодга бўлган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Фармонга мувофиқ биринчи навбатда таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан таъминлашида қўшимча шароитлар яратилиши, иккинчидан — кичик бизнес субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар сақланиб қолингани ҳолда мавжуд ишчи кучини ошириш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш имконини беради. Пойтахтимизда 40 мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари фаолият юритади. Ярмаркада юзга яқини ўз имкониятлари билан қатнашди. Улар томонидан ёшларга 720 га яқин ишга йўлланма берилди. Шунинг ҳам алоҳида айтиб ўтмоқчиманки, қайд этилган фармон ҳолатини тушунтириш мақсадида ташкил этилаётган семинарлар доирасида кичик ҳажмдаги меҳнат ярмаркаларини ҳам уюштиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу ҳам ўз самарасини бераётди. Чунончи, «Узэкспомарказ» мажмуасида ўтказилган дастлабки семинарда 2775 та кичик корхона иштирок этган бўлса, 800 дан зиёд битирувчи ишга йўлланма олди. Шу каби тадбирлар туманлар микросида ҳам бўлиб ўтмоқда.



**Ижтимоий лойиҳалар
МАНФААТЛАРНИ
БИРЛАШТИРУВЧИ МАНЗИЛ**



ари, олий ўқув юрларини 8584 нафар ўғил-қиз битирганини эътиборга олади дегунда, демак, 20 мингга яқин битирувчи ўз билимининг ҳозирда синовдан ўтказиш имониятига эга эмас. Қолаверса, ҳали қанча 35 ёшгача бўлган йигит-қизлар аниқ касби бўлмагани боис ишламаётми? Бу ҳақда маҳаллаларда етарли маълумотлар бўлишига шубҳа йўқ. Бўш иш ўринлари тадбирларига фуқаролар йиғинлари фаолларининг кенг жалб этилиши шу мақсаддадир.

Дарвоқе, мутахассислиги бўлмаган ёки кўнглига яқин иш топиш ниятидагиларга кўмакни, янада аниқроқ қилиб айтганда бўлса, бегараз ёрдамни Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси қошидаги касбга ўқитиш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш ўқув марказида олиш мумкин.

— Ҳақиқатан ҳам шундай. Энг муҳими, бу ерда уч ой ўқув жараёни давомида стипендия ҳам тўлаб борилади, — дейди марказ директори Абдуҳамид Мустағизов. — Бунинг учун турар жойи бўйича туман бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат қилиб, тегишли йўлланмани олиш лозим. Ўқув марказида компьютер ва бошқа барча замонавий техникани таъмирлаш

корхона ва ташкилотларга ишга йўлланма олди. Йиғилишда ёшлар бандлиги масаласини муҳокама қилиш давомида шаҳар прокурори Мирзохид Обидов мавзунинг долзарблигига урғу бериб, ҳар бир онгли кишини ўйлантиришга ундайдиган рақамларни келтириб ўтди. Маълум қилинганидек, афсуски, ёшларимиз томонидан ҳам билиб-билмасдан қонунни четлаб ўтишга ҳаракатлар кузатилмоқда. Тахлилларга қараганда эса, жиноятчиликка қўл урганларнинг аксарияти ҳеч қаерда ишлайди ва ўқимайди ҳам...

Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси маълумотига кўра, айни пайтда коллеж битирувчиларининг 18749 нафари иш билан банд бўлган. Бироқ ёш мутахассислар йўлланма олган корхона ва ташкилотлар бўйича ўтказилган мониторинг шуни кўрсатмоқдаки, фақат етти мингтаганининг номига меҳнат дафтарида кўрсатиш бўлиб қолган. Бу дегани фақат шунча ёшларимиз меҳнат фаолиятини бошлаган.

— Икки кунлик ярмаркада бўш жойларни 200 дан зиёд иш берувчи намоиш этди, шунингдек кичик корхона ва микрофирмалар ҳам қатнашди. Кичик субъектлар вакиллари Президентимизнинг «Таълим муассасалари-

нинг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қўшимча қўриқларида кўзда тутилган вазифаларга мувофиқ таклиф этилди, — дейди шаҳар давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Баҳром Шамсуддинов. — Мазкур ҳужжат мамлакатимиз раҳбари раҳнамолигида ўсиб келаётган авлодга бўлган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Фармонга мувофиқ биринчи навбатда таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан таъминлашида қўшимча шароитлар яратилиши, иккинчидан — кичик бизнес субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар сақланиб қолингани ҳолда мавжуд ишчи кучини ошириш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш имконини беради. Пойтахтимизда 40 мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари фаолият юритади. Ярмаркада юзга яқини ўз имкониятлари билан қатнашди. Улар томонидан ёшларга 720 га яқин ишга йўлланма берилди. Шунинг ҳам алоҳида айтиб ўтмоқчиманки, қайд этилган фармон ҳолатини тушунтириш мақсадида ташкил этилаётган семинарлар доирасида кичик ҳажмдаги меҳнат ярмаркаларини ҳам уюштиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу ҳам ўз самарасини бераётди. Чунончи, «Узэкспомарказ» мажмуасида ўтказилган дастлабки семинарда 2775 та кичик корхона иштирок этган бўлса, 800 дан зиёд битирувчи ишга йўлланма олди. Шу каби тадбирлар туманлар микросида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Пойтахтимизда саккизинчи маротаба кенг доирада ташкил этилган меҳнат ярмаркасида корхона ва ташкилотлар томонидан 24,8 мингга яқин вакант, жумладан, деярли беш мингга таълим муассасалари битирувчиларига мўлжалланган квота ўринлари тавсия этилди. Шулардан 8,7 мингтаси — жорий йилнинг ўтган ойлари давомида туман ҳокимликлари кўмағи билан ташкил этилган янги иш ўринларидир. 11404 таси эса Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг маълумотлар базасида қайд этилган вакант жойлардир. Айтиш жоизки, маълумотлар базасида фақат ишчи мутахассисликлар таклиф этилмаётди. Иш берувчиларда муҳандис, иқтисодчи, ҳисобчи, шифокор, ҳаттоки кичик тиббиёт ходими ҳам талаб бор. Ярмарка штабидан олинган дастлабки маълумотлар бўйича тадбирда иштирок этган 14,7 минг фуқародан 5,2 мингга яқини касби бўйича ишга йўлланма олган. Хусусан, 232 таси — олий ўқув юрларининг битирувчилари, деярли 1050 нафари — ўрта махсус маълумотга эга ёшлардир.

Албатта, бундай тадбир доирасида ҳамма ёшларни ҳам иш билан қамраб олишнинг имконияти йўқ ва бундай мақсад кўзда тутилмаган ҳам. Лекин юқорида қайд этилган савол очик бўлиб қолмоқда. Ҳақиқатан ҳам, меҳнат ярмаркалари иш излаётганларнинг фақат маълум қисмини қаноатлантириши мумкин. Мақсадга келсак, вакант жойлари намоишида фаол қатнашиб келаётган «Новатор» масъулияти чекланган жамиятининг ходимлар бўйича менежери Алла Байтурина таъбири билан айтганда, бундай кўлами кенг тадбирлар авваламбор ҳар бир манфаатдор томонни бир жойга жамлаб, бир-биридан тажриба алмашиш учун қулай имконият очиб беради. Шунингдек, айрим муаммоларни ҳам юзага чиқарадими, уларнинг ечимини фақат биргаликда, узаро ҳамкорликда ҳал этиш мумкин. Бунинг учун эса, шаҳар прокурори таъкидлаб ўтганидек, фақат меҳнат ярмаркалари билан кифояланмасдан, ёшларимиз манфаатини тўла таъминлаш мақсадида бошқа усулларни ҳам излаш, янги-янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш лозим.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

**СОҲА ЮТУҚЛАРИ
ВА ИМКОНИЯТЛАР
НАМОЙИШИ**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўргазмада 50 дан зиёд фирма ва компаниялар ўз маҳсулотлари намоиши билан иштирок этиши баробарида семинар ва конференциялар ҳам ўтказилмоқда. Россиянинг «Полипласт-Уралсиб» масъулияти чекланган жамиятининг «Полипласт» компанияси тажрибасида бетон ва қурилиш эритмаларида кимёвий қўшимчалардан фойдаланиш замонавий технологиялари, «Vermi Style Plus» МЧЖнинг «Қурилишда инновацион технологияларни татбиқ этиш» мавзусидаги семинарлар шулар жумласидандир.

Экспозицияларни томоша қилар экансиз, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон андозаларига мос маҳсулотлари эътиборингизни тортади. Бозорни ўрганиш асосидаги изланишлардан, хорижий шериклар билан яқин ҳамкорлик боис замонавий техника ва илгор технологиялардан оқилона фойдаланиш самараси эканлигига гувоҳ бўласиз. Жумладан, «Tezintom» қўшма корхонасида тайёрланаётган «Фибробетон» маҳсулоти, яқинда иш бошлаган «Raseta» МЧЖнинг беш турдаги қуруқ қурилиш қоришмалари, «East Kolor» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган «Subec» бўёқлари, «Udeal Nur Plast» МЧЖнинг диаметри 16 дан 800 ммгача бўлган пластик қувурлари, «Art Plast» қўшма корхонаси маҳсулоти бўлган пластик эшик ва ромлар, «Garant mebel» МЧЖнинг буюртма асосида харидорларга тавсия этаётган мактаб, офис, ошхона мебеллари ва маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган сунъий мрамор-гранит тошлар эътиборга лойиқдир. Улар қурилиш, пардозлаш, жиҳозлаш сифатини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

— Фаолиятимизни бошлаганимизга беш йил бўлди, — дейди «Sapsan» масъулияти чекланган жамияти бош менежери Равшан Расулов. — Туркия технологияларини қўллаган ҳолда ишлаб чиқараётган эмаль ва бошқа пардоз ашёлар сифати, қадоқланишига катта эътибор қаратаётганимиз боис ички бозорда ўз ўрнимизни топиш баробарида, Афғонистон, Қирғизистон давлатларига экспорт ҳам қилаёلمиз. Кўргазмада биринчи бор қатнашаётган бўлсакда, таассуротларимиз катта. Фойдали шартномалар тузиш, ҳамкорлар топиш, экспорт ҳажмини ошириш ниятидамыз. Маҳсулотларимизга қизиқувчиларнинг кўплиги бизни руҳлантирапти.

Уч кун давом этадиган ярмарка иштирокчиларнинг қурилиш технологиялари ва бизнес режалари борасида ютуқлари ҳақиқий намоиши бўлиб, нафақат қурилиш соҳаси мутахассислари, балки барча ташриф буюрувчиларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлмоқда. Фойдали мулоқотлар, ҳамкорлик шартномалари эса тадбирнинг янада юқори даражада ўтишини таъминлайди.

Шарифа ИЛЁСОВА
Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

**Иқтисодиёт
ҚЎЛИ ГУЛ УСТА**

«Хунарлининг қўли гул», деган ибора бежизга айтилмаган. Чиндан ҳам хунари гўзал усталар томонидан яратилаётган маҳсулотлар ўзига хослиги, миллий қадриятларимиз, шарқона анъаналаримиз ифодаси эканлиги билан ажралиб туради.

Ўз хунари билан элга танилаётган Уктам Шодмонкулов ҳам ана шундай усталар сирасидан бўлиб, у ота-боболаримиз ишларининг бардавонлигини таъминламоқда. Тош ва ёғочдан фойдаланиб, жозибдор маҳсулотларни барчага манзур этаётган устани уймакорлигининг нозик сир-асрорларини пухта эгаллаган, ўз касбини маҳоратли соҳиби десак, асло муболага бўлмайди.

Хунарманднинг иш қуроллари оддий бўлишига қарамай, улардан фойдаланган ҳолда бетакор маҳсулотлар яратади, ҳар бир эскиз устида тинмай изланади. Бугунги кунга келиб у тайёрлаган маҳсулот турлари 20 хилдан ортиб кетди. Ҳар бири ўзгача, бир-бирини такрорламайди, нақшларида гўзаллик ва нафосат мужассам.

Уктам Шодмонкулов ўз хунарини ёшларга ҳам ўргатишни ният қилган бўлиб, «Уста-шогирд» мактаби фаолиятини йўлга қўйган. Шунинг мамнуният билан таъкидлаш лозимки, айни пайтда кўплаб ёшларда хунарга меҳр уйғотган устознинг шогирдлари 100 нафардан ортиқни ташкил этади. Кўпчилиги устози изидан бориб, мустақил равишда ишламоқда, маҳсулотларини кўргазма ва тадбирларда намоиш этиб, эътирофга сазовор бўлмоқда. Уста 2006 йилдан буён Ўзбекистон Бадий академияси аъзосидир.

Замон талаблари асосида изланаётган, маҳсулотлари турларини кўпайтираётган хунарманд халқаро кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этишни ният қилган.

Шарофат БАҲРОМОВА

Юнусобод туманидаги «Дўстлик» маҳалласида жойлашган 28 та кўп қаватли уйда 6,5 минг нафар турли миллат аҳли иноқ, ҳамжихат ҳолда истиқомат қилади. Маҳаллада ҳар бир байрам, турли тантаналар, ободонлаштириш ишлари фаоллар бошчилигида уюшқоқлик билан ўтказилади.



**МАҲАЛЛАДА
МАЪРИФАТ КЕЧАСИ**

Маҳаллада Баркамол авлод йилга бағишланган маънавий-маърифий тадбир ҳам фуқаролар йиғини раиси Аҳад Шокиров, масъул котиб Холида Жумаева, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Раъно Зулфанова, 21-уй хотин-қизлар кенгаши раиси Кавсар Турдиева, Наима Жўрахўжаева, Зухра Аҳмеджоновна каби фаоллар беш-қошигида сермазмун ва файзли ўтди.

Тадбирга таклиф этилган маҳалла ҳудудидаги 122-мактаб ҳарбий синфлари ўқувчиларининг спорт чиқишлари, 544-мактабга таълим муассасаси тарбияланувчиларининг қувноқ кўшиқ ва рақслари йиғилганлар кўнгилларини хушнуд этди.

— Ҳар бир байрам ҳамжихатлик билан нишонлаб келинади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳад Шокиров. — Бунда айниқса кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз. Бу гал ҳам ҳомийларимиз мададида маҳалламиз болажони Мухаммадхон Кенжаевнинг суннат тўйини ўтказдик.

Одина Фозиева, Хурсанд Шерова, Муножат Тожибоева ва бошқа санъаткорлар ижросидаги кўшиқлар шўх рақсларга уланиб, тадбирга ўзгача файз-тароват бағишлади.

И.ДИЛШОДОВ
Козим Ўлмасов олган суратлар

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

Ақл-идрок, ноёб қобилият соҳиблари фақат кўрганларини, билганларини, эшитганларини сўзлайди. Улар нажотнинг ягона таянчи ҳақиқат эканини яхши билади. Шундай инсонларни бир сўз билан ҳуқуқшунос дегим келади. Ҳуқуқшунос устозларимиз бугун бизга таълим бермоқда.

Шундай экан, биз, ёшлар, шуни унутмаслигимиз керакки, келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади. Бошқача айтганда, келажакимиз қандай бўлиши бизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишимизга боғлиқ.

Ўқитувчилик шарафли, лекин жуда мураккаб касбдир.

Бугун устозларимиз давлатимиз ардоғида. Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод таълим-тарбияси, камолотида ғоят муҳим ўрин тутувчи ушбу соҳа ходимлари меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яхши ўқитувчи бўлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзи етарли эмас. Назарияда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонун-қоидалар, умумлаштирилган ғоялар баён этилади. Талабалар-

нинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш таъкидланади. Ҳаётда баъзан педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар ҳам учраб туради. Бу эса ўқитувчидан билимдонликни, пухта амалий тайёргарлик-

ни, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорликни талаб этади. Бу борада бизнинг педагог домлаларимиз дарсларни интерфаол услублардан фойдаланган ҳолда олиб бормоқда. Улардан энг кўп қўлланиладиганлари «ақлий ҳужум», «дебат», «кластер», «инсерт» бўлиб, ушбу усулларни қўллаш биз, талабалар фаолиятини бирмунча фаоллаштиради. Айниқса, янги матн устида ишлашимизда бу услублардан фойдаланиш орқали янги ибора ва тушунчаларни ўзлаштиришимиз бирмунча осон кечади.

Мен бугун талаба дўстларимнинг қонунийлик илмини ўрганишда устозларимиз каби сўзамол, адолатли, илтифотли, марҳаматли, чуқур мулоҳазали, қатъиятли, сер-

гак ва хур фикрли, илм-фан тараққиёти учун ўз куч-ғайратларини аямасдан билим олишларини истайман. Биз, ёшлар, ўзининг бутун куч-қуввати, билим ва маҳоратини ҳуқуқшунос кадрлар малакасини оширишга сарфлар эътибор келатган профессор-устозларимиз билан фахрлансак арзийди.

Тарбия инсоннинг жамиятга фойда етказиш қобилиятини оширишга ундайди. Шу сабабдан бўлса керак, бутун башариёт жўшқин қалб ҳарорати, меҳр-муҳаббатини «ўқитувчи» деган сўзга ситдириб, ҳурмат билан «устоз» деб тилга олади.

Байрамингиз қутлуг бўлсин, азиз устозлар!

Замира АҲРОРОВА,
Тошкент давлат
юримдик институти
талабаси

2010 йил — Баркамол авлод йили

ЁШЛАР ИЖОДИДА — БУЮК АЖДОДЛАР СИЙМОСИ

Ўзбекистон давлат санъат институтида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида «Буюк аждодларимиз сиймоси» мавзuida суратлар танлови ташкил этилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур танловда юртимиз олий ўқув юрларида таҳсил олаётган икки юзга яқин талаба буюк аждодларимизнинг портрети, ҳаёти ва ижоди акс эттирилган ижодий ишлари билан иштирок этди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий санъат ривожига қаратаётган доимий эътибор ёшлар истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маънавиятни юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Юртимизда барпо этилаётган замонавий ўқув масканлари, кўرғазма заллари, галереялар, бадиий ижодиёт марказлари санъатнинг барча турларини кенг ривожлантириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш ва навқирон авлоднинг санъатнинг нодир намуналари билан яқиндан таништириш имконини бермоқда.

Буюк аждодларимиз сиймосини яратиш нафақат ёш мусаввирлардан, балки етук рассомлардан ҳам изланиш ва катта маъсулият талаб қилади. Бунда аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросни чуқур ўрганиш, улар ҳақидаги билимни янада бойитиш муҳим аҳамиятга эга.

Кўрик-танловда, деб хабар беради ЎЗА, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаси Камола Мирҳодиеванинг Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ижодида бағишланган расмлари биринчи ўринга лойиқ топилди.

Г.САТТОВА

ТОЗАЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ободонлаштириш ойлги доирасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбир давомида ўқувчи-талабалар, шаҳарча ҳудудидagi тўққизта маҳалла аҳолиси томонидан зовур ва ариқларни тозалаш, ирригация тармоқларини таъмирлаш, йўл четигадаги сарғайган ўтларни ўриш, қуриган мавсумий гулларни алмаштириш, йиғилган кум, тошлар ва чиқиндиларни чиқариб ташлаш ишлари амалга оширилди. 653 гектардан зиёд майдонга эга шаҳарча ҳудудига маҳаллаларда ободонлаштириш ва кўкчаларнинг таъмирлаштириш ишлари авжида. Талабалар томонидан 100 мингдан зиёд игна баргли дарахтлар парваришланиб, 30 мингдан ортиқ буталарга шакл берилди.

Йўл ёқалари, хиёбонлар, корхона ва ташкилотлар, ўқув юрлари ҳудудларида мевали ва манзарали кўчатлар ўтказиш ва ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди «Туркистон-пресс» муҳбирига шаҳарча ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Исроил Худойбердиев. — Баркамол авлод йили муносабати билан янги-янги дам олиш масканлари, иссиқхоналар ташкил этилмоқда. Мактаб, коллеж, олий ўқув юрлари, корхона ва ташкилотлар ҳудудига бир қарич ҳам ер бўш қолмаслиғига ҳарқат қилинмоқда. Бу ишларда Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент Тиббиёт академияси, маданият коллежи ўқувчилари алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Талабалар турар жойларида ариқ-зовурларни тозалаш ишлари ушшоқлик билан амалга оширилмоқда.

Шаҳарча ҳудудига 500 минг туп турфа хилдаги гуллар, тўрт мингдан зиёд манзарали дарахт экилиши режалаштирилган. Шу кунгача 30 мингдан зиёд турли гул кўчатлари ўтказилган. Аҳоли ва талабалар турар жойларида санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш мақсадида ўтказилган хайрли ишлар бирдамлик, тотувлик ва ҳамжихатликка ундайди. Энг муҳими, ободонлаштириш ойлгидан тушган маблағлар муҳтож оилаларнинг уй-жойларини таъмирлаш, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида кўзда тутилган қўллаб-қувватлаш хайрли тадбирларни амалга ошириш учун сарфланади.

Азима ҚИЁСОВА

Устоз... Биргина сўз замирида улкан маъно мужассам. Устозларимиз халқ маънавияти ва маърифати йўлида шараф билан хизмат қилиб келаётган, кўплаб шогирдлар тайёрлаётган жонкуяр, фидойи инсонлар ҳисобланади. Сотволди Каримов ҳам 40 йилдан ортиқ вақт давомида ёшларга таълим бериб, уларнинг мусиқа соҳасидаги билимларини мустаҳкамлаб келаётган устозлар сирасига киради.



ШОГИРДЛАР КАМОЛИ ҲАМ БАХТ

Сотволди Каримов дастлаб Республика мусиқа коллежи, сўнг Ўзбекистон Давлат консерваториясида халқ чолғулари факультети танхўр ва чанг ихтисослиги бўйича таҳсил олади. Шу билан бирга дирижёрликка қизиқиши боис махсус адабиётларни ўқиб, ўз билимини янада ошириб боради.

Ўқиш билан бирга мусиқа билим юртида ўриндош сифатида ўқитувчилик ҳам қилди. 1958 йилдан Ўзбек давлат филармониясида халқ чолғулари оркестрида ишлади, кейинчалик Тўхтаев Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестрида дирижёрлик қилди. 1968 йилда мусиқа коллежининг халқ чолғулари бўлими бошлиғи этиб тайинланди. Ҳозирда В.Успенский номидаги махсус мусиқа академик лицейида ёшларга мутахассислик ва дирижёрлик фанларидан сабоқ бериб келмоқда.

С.Каримовнинг шогирдлари ҳам бугунги кунда санъат соҳасида кўзга кўринган етук инсонлар бўлиб, халқ олқишига сазовор бўлган. Улар жумласига Ўзбекистон халқ ҳофизни Ҳасан Ражабий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Машраб Эрматов, Аҳмаджон Дадаев,

профессорлардан Нодим Норҳужаев, Абдулла Умаров, Рифатулла Қосимов, кўплаб бошқа санъаткорлар киради. Сотволди акани, муболагасиз, санъаткорлар оиласининг бошлиғи ҳам дейиш мумкин. Ўғли Рустам республика ижрочилар кўрик-танлови қолиби. Рубоб, тор, уд чолғуларининг моҳир ижрочиси. Эгизак қизлари Фотима Миртурсунова ва Зухра Содиковалар етук пианиночилар, ўз соҳалари бўйича етакчи концертмейстерлар сифатида В.Успенский номидаги махсус мусиқа академик лицейида дарс бериб келмоқдалар. Кенжа қизи Захро пианино бўйича республика танлови қолиби, айни пайтда Ўзбекистон Давлат консерваториясида камер мусиқаси кафедраси мудараси бўлиб ишламоқда, унинг умр йўлдоши, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ботир Муҳаммаджонов Ўзбек Миллий академик драма театри етакчи актери. Сотволди Каримов раҳбарлигидаги оркестр лицей доирасидаги, шунингдек катта концертларда фаол қатнашиб, тингловчилар меҳрига сазовор бўлган.

— Ўтаётган йиллар чизгиларига назар ташлар эканман, унда ум-

римнинг энг жўшқин, сермахсул, меҳнатга бой лаҳзаларини кўз олдимга келтирарман, — дейди Сотволди Каримов. — Озми-кўлми, мусиқа санъати оламида ўзига хос ўринга эга бўлдим. Ҳаётимнинг ҳар бир лаҳзаси санъат билан чамбарчас боғлиқ. Шогирдларим эл севган санъаткорлар ва халқ манфаати йўлида хизмат қилаётган инсонлар бўлиб етишиб чиққанидан мамнунман. Инсон ўз меҳнатининг қадрини шогирдлари камолида кўради. Умирини беҳудага сарфламаганимдан, меҳнатим қадр тоғанидан, халқимга нафим тегаётганидан қувонаман. Фарзандларим, набираларим ва шогирдларимга ҳамдўст, ҳамфикр, ҳамқадим устоз бўлиб ёрдам бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб келаётганимдан, халқ-хануз ёшларга мусиқанинг нозик сирларини ўргатаётганимдан кўнглим кўтарилиб, дилим ажиб бир хотиржамликни ҳис қилади. Инсонга бундан ортиқ бахт борми!

Сотволди Каримов 70 баҳор довоидан ўтиб бораётган бир паллада ҳам ёшларга қанот бўлиб, уларга сабоқ бериб келаётганининг ўзи катта бахт. Ўқитувчилар ва мураббийлар куни арафасида биз санъаткор устозга тани-сихатлик ва янада жўшқинлик тилаб қоламиз.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: Сотволди Каримов шогирдлари даврасида.

Мамлакатимизда Ўқитувчилар ва мураббийлар куни ҳар йили шодиёна байрам қилиниб, устозларга эҳтиром кўрсатилади. Бу албатта, устозларимизнинг меҳнати қадр топаётганининг ёрқин ифодасидир.

«БИЛИМЛАР КАЛИТИ» ТОПШИРИЛДИ

Тошкент Кимё-технология институти биринчи курс талабаларини қутлашга бағишланган «Талабалик — олтин даврим» ҳамда Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан «Устозларни эъзозлаймиз» деб номланган тантанали байрам тадбирлари бўлиб ўтди.

Олий ўқув юрти ректори Садриддин Туробжонов биринчи курс талабаларига тантанали равишда институтнинг рамзий «билимлар калити»ни топширар экан, уларга ўқишларида улкан зафарлар тилади.

Тадбир доирасида ёш авлодни юксак маънавий қадриятларимизни ҳурмат қилиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларга замон талаблари даражасида билим беришда самарали хизмат кўрсатиб келаётган фидойи профессор-ўқитувчилардан бир гуруҳи Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами муносабати билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбахо совғалари билан тақдирланди. Талабалар устозларини табриқлаб, дил сўзларини шеър ва кўшиқларда ифода этиб, гуллар тақдим этдилар.

Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари Э.Комилов, С.Умаров ва Т. Мўминов буюк алломаларимиз Абдулла Авлоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек тимсолида сахнага чиқиб, талаба-ёшларга эзгу тилдақлар билдиришди.

Устозларга эҳтиром кўрсатилган тадбир якунида театр ижодий жамоаси томонидан тайёрланган «Уйқусиз кеча» спектакли премьераси намойиш этилди.

Дилором ИКРОМОВА

ИҚТИДОРЛАР ТАНЛОВИ

Юртимизда ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Яқинда ёш олимларнинг илмий-ижодий фаолиятида ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш, яратган янгиларини амалиётга татбиқ этиш, ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлашга кўмаклашиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан танлов эълон қилинди, деб хабар беради «Туркистон-пресс».

Мазкур танлов «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг 64-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Танловда 30 ёшгача бўлган олимлар, фан номзодлари иштирок этиши мумкин.

Танлов уч босқичда бўлиб ўтади. Илк босқичда 15 октябрга қадар аризалар қабул қилинади. Анкеталар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг www.kamolot.uz интернет сайтига киритилади ва иштирокчилар томонидан тўлдирилади. Иккинчи босқич 30 октябрга қадар ташкил этилади. Якуний босқичда жорий йилнинг ноябрь ойида ўтказилиши кўзда тутилган танловда иштирокчилар аниқ, табиий ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича илмий ишлари ва фаолияти тўғрисидаги 15 дақиқали маъруза билан қатнашади.

Махсус комиссия томонидан илмий ишининг оригиналлиги, инновацион жиҳати, амалиётга татбиқ этиш даражаси, манфаатдор идоралар эътиборини жалб қила олиш хусусиятига алоҳида аҳамият берилади.

Айтиш жоизки, «Камолот» ЕИХ томонидан ҳар йили 15 нафар фан номзодига эга ёшларга махсус стипендия жорий этилади.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА

АКТ-2010 ҳафталиги доирасида давлат идоралари вакиллари учун мўлжалланган «Давлат бошқарувида АКТдан фойдаланиш» мавзuida миллий тренинг бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, АКТни ривожлантириш бўйича Осиё-Тинч океани тренинг-маркази академияси (APCICT), БМТ Тараққиёт дастури ва Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан ташкил этилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда АКТни ривожлантириш миллий вазифа сифатида белгиланди ва мазкур вазифани бажаришда кўплаб хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинмоқда. Давлат хизматчилари ва лойиҳа раҳбарларининг аҳолига самарали хизмат кўрсатиши ривожлантириш учун зарур билим ва кўникмаларини ошириш пойтахтимизда ўтган APCICT академиясининг «Давлат раҳбарлари учун АКТ асослари» мавзuidaги ўқув дастурига асосланган машғулларнинг асосий вазифаси бўлди.

Унда, деб хабар беради ЎЗА, АКТ ва уларни қўллаш лойиҳаларини давлат бошқарувида жорий этиш учун масъул мутахассислар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо, Ташқи ишлар вазирликлари ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети вакиллари иштирок этди.

APCICT академиясининг «АКТ ва узоқ муқаддлатли ривожланиш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик» ва

АКТ-2010 ҳафталиги

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ЎРНИ

«Сиёсат, жараёнлар ва ривожланиш учун АКТни бошқариш» деб номланган иккита модулни ўз ичига олган ўқув дастури ҳар бири тўртта сессиядан иборат икки кунлик машғуллар таълим асосига айланди.

Семинарда БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходими Баҳорид Аюпов ва «Nitec» замонавий ахборот технологиялари агентлиги директори Зиёдулла Шарипов Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ва АКТ, уларни режалаштиришда қўллаш тўғрисида маъруза қилди. APCICT Осиё-Тинч океани тренинг-маркази академияси директори, доктор Хью-Сук Ри АКТ модели-сиёсатини ишлаб чиқиш, АКТни ривожлантириши бошқариш моделла-

ри ҳамда мавзуга оид Ўзбекистондаги тадқиқот натижалари ҳақида сўзлаб берди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари Асаджон Ҳужаевнинг маълум қилишича, АКТ ҳафталиги доирасида бундай тадбир илк бора ўтказилмоқда ва келгусида тренинг якуналари сарҳисоб қилиниб, дастлабки натижалар олингач, бу каби тренинглар мамлакатимиз бўйлаб мунтазам ўтказилади.

Тадбир доирасида Тошкент ахборот технологиялари университети ва АКТни ривожлантириш бўйича Осиё-Тинч океани тренинг-маркази академияси (APCICT) ўртасида ахдлашув протоколи имзоланди.

Меҳрибон МАМЕТОВА

